

Рамазон рўзасининг фазилати



18:00 / 30.04.2020 1989

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳнинг йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш кузлик (йиллик масофага) узоқ қилади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Назр ибн Шайбон раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади:

«Абу Салама ибн Абдурраҳмонга: «Рамазон ойи ҳақида сен отангдан, отанг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бевосита эшитган нарсани гапириб бер», дедим. «Яхши. Отам менга шундай деган: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ сизларга Рамазон рўзасини фарз қилди, мен эса унинг қиёмини суннат қилдим. Ким унинг рўзасини иймон

билан, савоб умидида тутса ва (кечаларини) бедор ўтказса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек бўлиб чиқади», дедилар».

Насоий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Айтинг-чи, фарз намозларни ўқисам, Рамазон рўзасини тутсам, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб билсам ва бунга ҳеч нарсани зиёда қилмасам, жаннатга кирманми?» деди. У зот: «Ҳа», дедилар. «Аллоҳга қасамки, бунга ҳеч нарсани зиёда қилмайман», деди».

Муслим ривоят қилган.

Зайд ибн Холид Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким рўзадорга ифтор қилиб берса, унга унинг ажрича ажр бўлади. Шу билан бирга, рўздорнинг ажридан ҳеч нарса кам бўлмайди», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

«Мўминнинг қалқони» китобидан